

LEARNING THE BASICS OF PUBLIC SPEAKING SKILLS IN UZBEK SPORTS JOURNALISM AND CURRENT SHORTCOMINGS

Abdurahimova Nozimakhon Bahadirovna
Uzbek Journalism And Mass Communications
Universities 1 Step Undergraduate

ABSTRACT

This study focuses on sports reporting and sports journalists in the media. The study focuses on the importance of dialogue and sports, as well as issues and examples related to respect for sports journalism, and the development of sports journalism. The article contains guidelines for the study of theoretical ideas and problems. In the process of interpretation, we examine the audience's level of information acceptance and the influence of foreign media, the social significance of reality in dissemination, and the rules of novelty. We will learn from the experience of Uzbek sports journalists. When did journalism appear in Uzbekistan? Sports journalism? Who were the first sports journalists? The first school of sports journalism... we get answers to such questions and study science accordingly. Today, sports journalism has become an important element of any media. La Gazzetta dello Sport, Sports Illustrated and ESPN are some of the biggest organizations that have developed sports journalism. Sports journalism dates back to 850 BC. In the works of the Greek scholar Homer, Achilles and Ajax clash. We know that in ancient Greece, wrestling, boxing, archery, long distance running and running sports were widespread.

https://www.newworldencyclopedia.org/entry/Sports_journalism

The science of speech science has been around for a long time. The origin of the speech is said to have originated in ancient Rome and Greece, but history has already proved that speech was formed long before. The earliest traces of the art of speech were found in ancient Egypt, Assyria, India, and Babylon. In those days, people's attitudes toward asceticism and ascension to higher positions were based on the notion of masculinity. The art of speech is equated with martial arts. Demosfen and Cicero are examples of this.

In the territories inhabited by our forefathers, first of all, the folk oral art, the Avesto, the Urhun-enasoy monuments, the ancient Eron Tunga (pre-7th century AD, anti-modern, anti-modern) Not only is it a valuable source of language learning, it also has a significant impact on the use of non-fiction material.

<http://library.navoiy->

[uni.uz/files/bekmirzayev.%20nutq%20madaniyati%20va%20notiqlik%20san'ati.pdf](http://library.navoiy-uni.uz/files/bekmirzayev.%20nutq%20madaniyati%20va%20notiqlik%20san'ati.pdf)

Keywords: Sports Journalism, Uzbek Sports Journalism, Uzbek Sports Journalism History, World Sports Journalism History, First Sports Journalism Agencies, World Sports Journalists, Uzbek Sports Journalists, Speech in Sports Journalism.

INTRODUCTION

Бундан қарийб бир ярим аср олдин, аниқроғи 1870 йил 28 апрель (янги тақвим бўйича 10 май) куни Тошкентда “Туркестанские ведомости” газетасининг биринчи сони босмадан

чиқди. Бу билан нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси вақтли матбуотига тамал тоши қўйилди. Кейинчалик ушбу нашр ўзбек тилида “Туркистон вилоятининг газети” номи билан ҳам чоп этила бошланди. Аслида ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишга йўналтирилган ижтимоий фаолиятнинг дастлабки куртаклари қадим-қадимда пайдо бўлган. Одамларни ижтимоий турмушда содир бўлаётган воқеалардан хабардор қилиш, уларга ахборот воситасида маълум ғоявий-руҳий таъсир ўтказиш турли шакл ва усулларда намоён бўлган. Оғзаки ахборот нотиклар, жарчилар томонидан етказилган. Ҳозирги давр журналистикаси “дастлаб XVII аср бошидаги илк даврий босма нашрлар қиёфасида юзага келган. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрда фотография ҳамда кинематографиянинг кашф қилиниши туфайли фото ва киножурналистика ташкил топди. XX асрнинг 20-йилларидан эътиборан радиотехника ютуқлари асосида радиожурналистика тараққий қила бошлади, 40-йилларда эса тележурналистика майдонга келди” деб ёзади таниқли олим Бойбўта Дўстқораев ўзининг “Ўзбекистон журналистикаси тарихи” китобида. Биринчи жаҳидлар нашри – “Тараққий” газетаси Тошкент шаҳрида Исмоил Обидов муҳаррирлигида, 1906 йил 27 июндан эътиборан чоп этила бошланган. Айнан шу сабабдан ҳам ҳозирги кунда Ўзбекистонда 27 июн – “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни” сифатида нишонланади. Албатта, бу даврга келиб Туркистонда ўзига хос миллий матбуот пайдо бўлишининг сиёсий-ижтимоий омиллари кўп эди. М.Бехбудий илк публицист сифатида шаклланди. Адиб публицистикасининг мавзу доираси кенг бўлиб, у сиёсий публицистика, маориф ва маданиятга бағишланган публицистик чиқишларга муаллифлик қилди. Мунаввар қорининг мактаб ва мадрасалар ислоҳига бағишланган публицистикаси жуда катта аҳамиятга моликдир. Публицист айрим ҳолатларда эскирган, ножойиз урф-одатларни танқид қилади. Мунаввар қори публицистикасида сиёсий-ижтимоий мавзу ҳам кенг ўрин олган. Абдулла Авлоний публицистикасида таълим ва тарбия масалалари атрофлича ёритилган. Убайдулла Асадуллаҳўжаев – янги типдаги муҳаррир ҳисобланган. У асосан ҳуқуқий саводхонликни оширишга мўлжалланган мақолалар ёзган. Машҳур ўзбек адиблари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат хажвиялар, очерклар, шунингдек, адабий-танқидий соҳада ҳам ижод қилиб, муҳаррирлик ишлари билан шуғулланишади.

<https://scontent.ftas3-1.fna.fbcdn.net/v/t1.6435->

[9/127457325_1537847443069197_6424237020677355106_n.jpg?_nc_cat=109&ccb=1-](https://scontent.ftas3-1.fna.fbcdn.net/v/t1.6435-9/127457325_1537847443069197_6424237020677355106_n.jpg?_nc_cat=109&ccb=1-)

[5&_nc_sid=730e14&_nc_ohc=m7jxv9riwWQAX_W16po&_nc_ht=scontent.ftas3-](https://scontent.ftas3-1.fna.fbcdn.net/v/t1.6435-5&_nc_sid=730e14&_nc_ohc=m7jxv9riwWQAX_W16po&_nc_ht=scontent.ftas3-)

[1.fna&oh=00_AT-9rVl9KzLXT_ax3hE92bKR3HRzBZho9eca0SapX70l5A&oe=6204788B](https://scontent.ftas3-1.fna.fbcdn.net/v/t1.6435-1.fna&oh=00_AT-9rVl9KzLXT_ax3hE92bKR3HRzBZho9eca0SapX70l5A&oe=6204788B)

Дунёдаги илк оқ-қора тасвири электрон телевидение тизими лойиҳаси 1925 йилда айнан Тошкент шаҳрида фаолият юритган олимлар Б.Грабовский ва И.Белявскийлар томонидан ишлаб чиқилган. Шу йили мазкур кашфиёт учун патент ҳам олинган. 1928 йилда телевизион тажриба қурилмасида ҳаракатланувчи (оддий) объектлар намоёиш этилган. Собиқ шўро тузуми даврида Ўзбекистонда даврий матбуот тармоғи республика, вилоят ва туман миқёсида чиқадиган умумсиёсий ва тармоқ газеталари, шунингдек, янги журналлар ҳисобига кенгаяди. Айни пайтда радиожурналистика ва тележурналистика ҳам таркиб топа боради. Лекин булар мустабид тузум кўзлаган сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий мақсадларга хизмат қилишга маҳкум эди. Ўзбекистонда телекўрсатувларни

расмий равишда эфирга узатиш 1956 йил 5 ноябрдан бошланган. Худди шу пайтда Тошкент телевидение студияси ташкил этилган. “Қайта қуриш” даврида (1980 йиллар ўрталаридан) эса ОАВ ўта сиёсийлашиб кетади. Кейинчалик коммунистлар партиясига хизмат қиладиган шўро матбуоти барҳам топа бошлайди.

Халқаро қонунчилик тарихида 1948 йилнинг 10 декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тасдиқланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация» катта урин тутади. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон мустақилликка кулга киритгач ратификация қилган биринчи халқаро ҳужжат ҳисобланади. Декларациянинг 12-моддасида журналистни огохлантирувчи, уни хушёрликка ундовчи нормалар белгилаб берилган. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, республика журналистикаси янги босқичга қадам қўйди. Жамиятни демократик тарзда янгилаш, ҳуқуқий демократик давлат барпо қилишга қўмаклашаётган янги тизим шакллана бошлади. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “бутун мамлакатимизда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳам мустақиллик йилларида катта ривожланиш йўлини босиб ўтганини барчамиз яхши биламиз ва бундай ютуқлар билан ҳақли равишда фахрланамиз”. Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Хусусан, 1997 йилда “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”, “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги асосий қонунлар қабул қилинди. 1991 йилда Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 395 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич жами ҳисобда 1636 тага етди. Босма нашрлар, теле ва радиоканаллар билан бир қаторда, янгича ОАВ тури сифатида рўйхатдан ўтган 480 та веб-сайт ҳам фаолият олиб бормоқда. Яқин келажакда уларнинг сони янада ортиб бориши кутилмоқда. 2018 йилнинг иккинчи ярми ва 2019 йилнинг бошлари Ўзбекистондаги газеталар учун ҳақиқий синов даври бўлди. Негаки аксарият нашрлар иқтисодий таназзулга учради. Ўтган йил сентябрь-октябрь ойларида республиканинг барча вилоят ва шаҳарларида ҳудудий нашрлар вакиллари билан учрашдик. Ўша пайтда жойларда билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, тахминан 60% газеталарнинг аҳвли оғир, молиявий қўмакка муҳтож деган хулосага келгандик. Бироқ орадан кўп вақт ўтмай уларнинг деярли барчаси иқтисодий муаммога рўбарў келганлигига гувоҳ бўлдик.

2019 йил 2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” (5653-сон) Фармонни қабул қилди. Унинг асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор эълон қилинди. Шунингдек, янги орган ўз фаолияти давомида жаҳон ахборот маконида Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантириш ва илгари суриш, мамлакатнинг инвестиция муҳити ва туристик салоҳиятини тарғиб этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади. <https://www.uzanalytics.com/tarix/4042/>

Янги Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари кушма мажлисидаги нуткидан:

Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш
Тараккиёт стратегияси доирасида амалга ошириладиган энг устувор вазифалар
ҳаракатлар стратегиясидан – тараккиёт стратегияси сари асарининг 1 – Булими Эркин
Фуқаролик Жамиятини Ривожлантириш Орқали Халқпарвар Давлат Барпо Этиш, Инсон
Қадр-Қиммати Ва Унинг Қонуний Манфаатларини Таъминлаш «Янги Ўзбекистон –
Халқчил Ва Инсонпарвар Давлат» Ғоясини Амалга Ошириш Булимида Оммавий Ахборот
Воситаларининг Ҳуқуқ Ва Мажбуриятларига, Уларнинг Хавсизлигига Алоҳида Тухталиб
Утилди. «Раҳбарлар Фақат Давлатга Эмас, Аввало, Инсон Ва Ойлага, Уларнинг Қонуний
Манфаатларини Таъминлашга Хизмат Қилиши Керак» Тамойилини Тадбиқ Этишда

*Сўз Ва Матбуот Эркинлиги, Фуқароларнинг Ахборот Олиш Ва Уни Тарқатиш, Ўз Фикр
Ва Қарашларини Эркин Билдириш Ҳуқуқини Таъминлаш;

*Мансабдор Шахслар Томонидан Оммавий Ахборот Воситалари Фаолиятига Тўсқинлик
Қилиш Ҳаракатлари Содир Этилгани Учун Жавобгарликни Кучайтириш.

4 – Булимида Эса Спорт Ва Унинг Равнаки Буйича Янги Дастурларни Амалда
Куллашнинг Янги Босқичи Тугрисида Суз Боради. Адолатли Ижтимоий Сиёсат Юритиш
Ва Инсон Капиталини Ривожлантириш

*Барча Шаҳар Ва Туманларда Оммавий Спортни Ривожлантиришга, Жумладан, спорт
майдончалари, пиёдалар ва велосипедчилар учун йўлаклар, экопарклар, таълим
даргоҳларидаги спорт залларидан иборат спорт инфратузилмасини яратишга алоҳида
эътибор қаратиш;*Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш учун спорт
мактабларини кўпайтириш ва янги спорт объектларини барпо этиш;

*Олимпия ўйинларига киритилган ҳар бир спорт турини ривожлантириш ва
оммалаштириш бўйича комплекс дастурларни амалга оширишнинг янги босқичга утишни
белгилаб бердилар. Спорт журналистикаси жаҳонда 1800 йил бошларидан от спорти ва
бокс бўйича утказилган мусобакаларни матбуотда ёритишдан бошлаган. Илк даврларда
АҚШ ва Европа уртасидаги спорт ўйинлари ёритилган. Дастлаб газета фақат ижтимоий
катламнинг зодагонлари учун чоп этилган ва спортнинг оммавийлашиш жараёнини
кескин оширган. The New York Herald газетаси спортни доимий равишда ёритиб
келадиган биринчи газета ҳисобланади. 1880 йилларда газеталарнинг 4% қисми спортга
ажратилган бўлса, 1920 йилларда бу курсаткич 20% ни ташкил этади. 20 аср бошларидан
спорт майдонларида журналистлар учун махсус жойлар куриш бошланди. 1954 йилдан
Sport Illustrated журнали нашр қилина бошланди. Технология телевидение, радио ва
интернет кенг куламда ривожланиб борган сари, нашриётларга булган талаб сезиларли
даражада сусайиб кетди. Ўзбекистон мустақилликкача булган даврда Ўзбек спортчилари
собик СССР таркибидан мусобакаларга катнашган. Ўзбек номини СССР давридан бошлаб
дунёга танитган спортчиларимиз тарихи улкан меросга эга. Уларнинг мусобакалардаги
иштироки ва галабаларини кенг эълон қилишда, спорт суҳандонларининг урни бекиёс.
Спорт тадбирларини оммавийлашишига, зодагон табакалардан бошлаб, оддий халқнинг
қизиқишига сабаб булган мусобакаларнинг кенг миқёсда ёритилишида журналист
маҳорати, унинг хизматлари чексиз деб ҳисобланиб келинган.

1924 йил 2- июлдан Бутун жаҳон спорт журналистикаси куни сифатида кенг нишонлаб
қилинади. Утган асрнинг 30-йиллар сунгида Ўзбекистонда спорт ва спорт бўйича

шарҳловчи, журналистлар уз истеъдодларини курсата бошлайди. Уларнинг билими ва малакаси бутун собик СССР давлатлари уртасида урганилди ва кулланилди.

Ахбор Имомхужаев ҳозирги имкониятларни кенглини суюниб сузлар эканлар, лекин шу имкониятлардан фойдалана олмаётганлар хақида ҳам куюниб сузлайди. Интервьюлардан бирида у: «...Ҳозирги журналистлар тор мутахассислик билан қаноатланишади. Масалан, футбол ихтисослашса, бошқа спорт турларига эътибор бермайди. Спорт журналисти спортнинг ҳамма соҳасини билсин. Жаҳон чемпионатлари, олимпиада ўйинлари, оддий мусобақалар ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлсин. Спорт журналисти ҳозиржавоб бўлиши керак. Масалан, газета мухбирлари ахборотни олиб ишлайди, бўлим мудирига ўқитиб, унинг назаридан ўтказади. Шарҳловчида бунга имконият йўқ, у тўғридан-тўғри эфирга чиқиши керак. Шошма-шошарликка йўл қўйса, хато жумлалар эфирга чиқиб кетади, уларни тузатиб ёки ортга қайтариб бўлмайди. Яхши шарҳловчиларимиз бор, албатта. Даврон Файзиев, Мирзаҳаким Тўхтамирзаев, Зафар ва Диёр Имомхўжаевлар, Норбек Ниёзов, Комил Жумаев сингари журналистлар шундайлар сирасидан. Лекин, афсуски, уларнинг нутқида ҳам камчиликлар сезилиб туради. Масалан, бир шарҳловчи укамизнинг нутқи равон, лекин овозида ҳис-ҳаяжон йўқ. Шарҳни оддий диктор каби бир маромда олиб боради. Яна бир шарҳловчи укамиз шаҳарлар номини тўғри айта олмайди, урғуни тўғри айтолмайди, урғуни тўғри қўллаёлмайди. «Ма-али республикаси» дейди.

Фамиляларда, саналарда адашиб кетишади, жамоаларнинг номини аниқ талаффуз қилолмайди. Бир қараганда, булар майда нарсалардек туюлади, лекин мухлислар бу камчиликларни кечиролмайди. Бу соҳани кучайтириш учун республика бўйича танловлар ўтказилиб турилибди. Бироқ танлов ҳайъат аъзоларининг кўпчилиги футболни яхши билмайди. Ваҳоланки, спортнинг бу турини чуқур тушунадиганларни – футбол бўйича мураббий, ҳакам, суҳандон ва журналистларни жалб этиш керак» дейди. <https://stadion.uz/news/detail/114315> Ахбор Имомхўжаев кўпроқ радио орқали шарҳлагани учун, уни эшитиб, майдондаги воқеаларни кўз олдимизда гавдаланади. Интернет ривожланмаган, телевизорлардаги тасвир оқ-қора рангли бўлганда шарҳловчилар ахборот манбаи бўлишган. Курилиб турибдики, бу борада килишимиз керак булган вазифаларимиз жудаям кўп. Кўпроқ укишимиз, уз устимизда ишлашимиз ва нутқ маҳоратимизни кенгайтиришимиз керак.





1980-йил. «Пахтакор» жамоаси.

<https://m.sports.ru/tribuna/blogs/binokor/2796233.html?>

СОБИҚ СССРДА УЗБЕКИСТОН СПОРТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ

Владимиром Иванов : Асосан хоккей спорт мусобакаларини, тренер ва хоккей спортчиларини, уларнинг фаолиятини, рухиятини шархлаган, матбуотларда чоп этган.



1980. Николай Озеров, Ахбор Иммамходжаев ва Роман Турпищев (чапдан уннга)
Ахбор Рустамович Имамходжаев (19.02.1936) – футбол шархловчи, Республикада хизмат курсатган футбол хаками. Бир канча асарлар муаллифи, узбек футболининг 100 йиллигига атаб ёзилган «Аср футболдаги асл қадрдонларим» китоби. «Шухрат» медали, Академик илмий унвон сохиби

Роман Абдуллаевич Турпищев (21.01.1933 - 08.02.1989) - спорт журналисти, шархловчи, суҳандон. 1960 йиллардан турли радио ва тв репортажларни шархлаган. Республикада телевидение ва радио бош редактори. Кўп йиллар давомида бошқарувчи ва кўплаб шогирдларни етиштириб чиққан маҳоратли журналист . Москвада бўлган Олимпиада уйинларини гимнастика, камондан уқ отиш, кураш спорт турларини шархлаган.

Ўзбекистонда хизмат курсатган жисмоний тарбия ва спорт ходими сифатида мукофотланган.

Эдуард Сергеевич Аванесов (30.01.1932 - 08.08.1995) - спорт журналисти, шархловчи, ёзувчи, шоир, сценарист. Огир атлетика бўйича спорта устози. Урта Осиё ва Қозоғистон республикаларида бўлган Спартакиада чемпиони. (1967—1976) Огир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи. Ўзбекистонда хизмат курсатган мураббий. Ўзтелерадио марказий ва республика газеталарида ишлаган. Бундан ташқари, футбол дастурлари учун қўлланмалар яратган. Бир қанча асарлар ва ҳужжатли фильмлар муаллифидир.

Владимир Ашотович Сафаров (19.01.1939) - спорт журналисти, ёзувчи, футбол тарихчиси, джазмен. 30 дан ортиқ футбол ва футбол тарихи асарлари муаллифи, 3000 дан қўп мақола ва футбол қўлланмалар эгаси.



1976 йил 31-январь Тошкент. Спорт комплекси «Юбилейный». Собик СССР ва Америка уртасида ўтказилган учрашув. «Ўзбекистон Физкультураси» газетаси бош муҳаррири Михаил Зальцберг (ундан) 1974 йилги жаҳон чемпиони Руфату Рискиевга «Энг яхши боксчи» совринини топшириш маросими.

Михаил Зальцберг (1950-2020) - спорт журналисти. 1974 йилдан Республика спорт газетаси «Ўзбекистон Физкультураси»да бош муҳаррир. 1978-1988 йилларда Ўзтелерадио спорт дастурларининг асосий шархловчиси, суҳандони. «Севгим менинг - Пахтакор» («Любовь моя - “Пахтакор”») ҳужжатли асар муаллифи.



https://m.sports.ru/tribuna/blogs/binokor/2716864.html?p_a=click&p_n=tag__1044512&p_p=post__2716864&p_c=post

Раҳмонқул Болтаев... Бу номни республикаимиз спорт мухлислари яхши билишади. Унинг жарангдор овози мана қирқ йилга яқин вақт ичида республика ва вилоят радио ва телевидениеларида янграб келяпти.

Уларнинг махорати, нотиклиги, сузларнинг урнида ишлата олиш санъати узбек спорт журналистикасини юқори марраларга олиб чиқди. Айнан улар суҳандонлик қилишган даврларда жамият спорт ҳақидаги кенг тушунчаларга эга бўлди. Янги спорт турлари ва жаҳон спортчиларини таниди. Хар бир хонадон уйида спорт суҳандонларининг овози радио ва телевизор орқали жаранглаб турди. Спорт уйинлари бошланган дақиқаларда болаларнинг ҳам овози чиқмас даражада барчани тинчлантириб, уз нутқилигига махлиё қилиб қуйишар эди. Инсонлар янги спорт турлари ва спортчилар тугрисида, шу уйинларда шарҳ орқали хабардор бўлишар ва гойибдан спортчиларга мухлислик қилишар эди. 70-80 йиллар спорт журналистика мактаби уз олдида қуйган асосий мақсадга эришган даврлар эди.

Спорт журналистикасида нотиклик санъати, нутқ маданияти ва нотикликда лисоний омиллардан фойдаланиш бўйича мос билим, қуниқма ва малакани шакиллантириш асосий мақсад қилиб қуйилди. Ҳозирда журналистика факультетларида нутқ маданияти ва нотикликнинг махсус фан сифатида хусусиятларини, унинг касбий фаолиятидаги урни ва имкониятларини ургатиш, нутқнинг журналистика таълимидаги аҳамиятини, миллий мафқурани шакиллантиришдаги аҳамиятини урганишни талаб қилади.

Спорт журналистикасида нутқ режаси тайёрлаш энг биринчи қоидалардандир. Режада асосий фикрлар, команда ҳақида тулик маълумот, командалар тарихи бўлиши шарт. Тухталмокчи бўлган мавзунини чуқур урганиш, фикрларини илмий асослаш, маъсулият билан уз ишига ёндошиш, тингловчилар билан яқин алоқа ва мулоқот урнатиш, керак бўлганда, уз нутқининг тухталиш зарур бўлган уринларини белгилаши унинг махоратини белгилайди. Ҳозирги замон нотиклигида тил, нутқ ва маданият тушунчаларини узаро боғлаш, уз нутқининг меъёр белгилари устида тинимисиз ишлаши жуда муҳимдир.

Спорт журналисти воқеа ходисаларни, бирор воқеа ёки фармон, қарорларни шарҳлар экан, турли ходисалар уртасидаги алоқадорликни буларнинг замирида нималар борлигини очиқ беради. Аммо шарҳлаш – журналистнинг шахсий фикри эмас, балки бу воқеа нима учун юз берганини тушунтиришга интилишдир. Масалан: Тошкент метросида тутун чиққан чиқмагани ҳақидаги масалани журналист ҳал қилмайди, аммо у ваҳима ва миш-мишларга қарамай, нима сабабдан ҳаммани эвакуация қилингани сабабини ҳалққа тушунтириши керак.

Аммо, шарҳловчилар воқеаларни таҳлил ва шарҳ қилаётганда шахсий изоҳлари билан воқеа мазмунига путур етказиб қуйиши мумкин. Айрим шарҳловчилар ҳаётда қандай юз берди ива унинг сабаблари нима эканлигини тушунтириш урнига ҳаётда бу ишлар қандай бўлиши керак эди деган фикрларни тақдим этишда узини тия олмайди. Бундай вақтларда меъёрни сақлаш йулларидан бири – муҳокама қилинаётган масаланинг мазмундан четга чиқмасликдир. Спорт журналистикасида раволик – оммага материал тушунарли бўлиши учун журналистнинг ахборотни тайинли тасвирлаш қоидаларидан фойдаланишнинг узи етарли эмас. Бундан ташқари журналист мавзунини яхши урганиб чиқиши керак. Узи воқеа ходисани яхши урганиб, англаб етган журналистгина у ҳақида аниқ ва раво сузлаб бера

олади. Шархловчи масалага назарий жихатдан тайёр ҳамда қобилиятли бўлиши талаб қилинади. Материални намоёниш қили шва сузлаш тезлигининг ҳам уз урни бор. Нихоятда тез гапириш, паузаларга амал қилмаслик, қўпинча томошабиннинг мазмунни англаб сингдиришини қийинлаштиради.

Спорт шархловчиси жавоб олишга эришадиган саволларни қўллай олиши керак. Савол бераётганда жавоби бўлмаслиги, «ха», «йук» жавобларнинг саволидан қочиши, мазмуни йук саволларни бермаслик, бир савол ичида 2 тадан ортиқ саволнинг иштирок этмаслигига аҳамият бериши керак. Жавобини олиши мумкин бўлган саволлар: 1) Узингизни қандай хис қиляпсиз? 2) Нимани назарда тутаяпсиз? 3) Сиз қандай тасаввур қиласиз? 4) Энди нима қилмоқчисиз?

Айрим Спорт жамоалари журналистларни унча ҳушлашмайди. Қўшма Штатларда спорт клублари муҳбирларни қийинлаштиради хоналарига интервью олиш ва баъзи қўшимча маълумотларни етказиш учун рухсат беришади. Баъзи хабарларни бериш уларга ноқўлай бўлса ҳам, кенг қўламли ахборот ёрдамидан фойдаланиш афзал. Лекин журналистларнинг ахборот ёритишида баъзи давлат ва спорт клублари томонидан яхши баҳолабмаслиги, танқид остига олиниши қўзғатилади. Спорт журналистлари воқеани топиш ва ёритишда факат спорт жамоаси, муассаса ва мураббийлар штаби томонидан тақдим этилган маълумотларга таяниб қўлмаслиги, аксинча шу тақдим этилган фактлар ва маълумотларни текшириши шарт. Қўпинча мураббийлар, уйинчилар ёки спорт ташкилоти раҳбарлари жамоа, уйинчи, мураббий ёки ташкилот ҳақидаги аниқ, аммо қамситувчи маълумотларни қўп этилганда, улар журналистни айблаб, маълумотларни инкор этадилар.

Спорт журналистикасида нотиклик маҳоратининг энг асосий вазифаси – Тил маданиятига риоя қилишидир!

Тингловчи ва томошабинларнинг матнни қабул қилиши ва англаши қўп жихатдан материалларни тақдим этиш услубига боғлиқ. Радиода эса овоз хал қилувчидир. Нутқ ва овоз телевидениеда ҳам қам қаммакка эга эмас. Оҳангдорлик, ширали овозни машқ қилдириш техникага боғлиқ, бироқ бошловчининг узига ишончи ва қасбий тайёргарлик даражаси ҳам бунда анчагина аҳамиятга эга.

Чиройли ва ёқимли овоз муваффақият гарови бўла олмайди. Эфирда иш бошлаган шархловчи узилигини ёқотмаслиги лозим. Радио ва телевидение юлдузларига тақлид қилиш ҳато. Радио ва телевидениеда ишламоқчи бўлган инсон овозини бошқара олишни ҳам урганиши муҳим. Бу санъатни дарсликларда эгаллаб бўлмайди. Овоз - бошловчи (шархловчи, суҳандон) нинг иш қўролидир. Овоз устида тинимсиз жиддий ишлаши ва ундан фойдаланиш имкониятларини билиши зарур. Журналист нутқини мода бўлиб қолган олифга, сийқаси чиққан сузлардан, паразит (бекорчи) сузлардан тозалаши керак. Афсуски, радио ва телевидение журналистлари бундай сузларга ўқ бўлиб қолишди. Масалан «хуш», «шуни айтиш жоизки», «мана», «бундай», «барақалла» ва ҳақозо сузлардан қочиш керак.

www.ziyouz.com/ЭрикФихтелиус.радиователевидениежурналистикаасослари

Янги Ўзбекистон спорт журналистикасида нутқ маданияти сифатларини урганишни йўлга қўймас эканмиз, жаҳон илмини, тажрибаларини урганмас эканмиз радио ва

телевидение журналистикамизда силжиш булмайди. Журналистикада нуткнинг тугрилиги- адабий тил меъёрлари (талаффуз, суз яшаш, лексик, морфологик, синтактик, услубий меъёрлар)га катъий мослиги: Нуткнинг аниклиги – сузнинг узи ифодалаётган нарсаси ҳодисани аник ифодалаб, тилдаги маъносига тула мувофиқ тарзда кулланилиши: Нуткнинг мантикийлиги – нутқда сузлар ва гаплар уртасидаги маъновий-мазмуний алоқаларнинг ифодалаётган фикрдаги мантикий моҳият ва унинг ривожланиб боришига мос келиши: Нуткнинг софлиги – адабий тил меъёрларига ва жамиятнинг маънавий – ахлокий қоидаларига бўйсунлиги билан белгиланади. Улар шевага хос сузлар, ибора, ургу ва талаффузлар: Нуткнинг бойлиги – нутқда тилнинг ранг –баранг унсурлари ва имкониятларидан усталик билан фойдаланиш орқали нуткнинг таъминлаш нутк бойлигига боглик (фикр ифодасида бир хилликдан қочиш, тил бирикмаларини уринсиз ишлатмаслик): Нуткнинг жуялилиги – нутқда муайян бир мулоқотнинг мақсади ҳамда шароитларига тула мос тарзда тил воситаларини танлаш, уларни бир-бирига тугри боглаб уз урнида куллаш (нутк мавзусини тингловчининг ёши, ижтимоий ва маданий маърифий хусусиятларига мос танлаши): Нуткнинг ифодалилиги – нуткнинг тузилиши, гапнинг ифодали суз, жумлалар ва иборалардан таркиб топилиши, бадиий – тасвирий воситаларига кура тингловчи диққатини жалб қила олиши (унли товушни чузиш, ундошларни иккилантириш, уларни такрорлаш, бугинларга булиш, суз ва қушимчалар ургусини тугри қуйиш, оханг тезлиги, юқори пастлигини узгартириш, мақол, матал, хикматлардан уринли фойдаланиш). Шу қаби қоидаларни урганиш учун чет эл оммавий ахборот воситаларини, уларнинг услуби, тили ва спорт тадбирларини шархлаш жараёнларини урганиш муҳимдир.

<http://library.ziyonet.uz/static/lib/reader-pdf/web/viewer.html?file=http://library.ziyonet.uz/uploads/books/251467/5affd8a68c1a9.pdf>
Радио нутқда ҳам сузлашув унсурлари – умуми адабий маромлардан чекиниши ҳоллари учраб туради. Лекин янғрок овоз ва оханг туфайли булар унча пайқалмайди. Сухандонлар нутқида эса бундай ҳатолар жуда кам учрайди. Улар тайёр матнни янғрок нутққа айлантириш жараёни билан изоҳланади. Сухандон нутқининг узига хос талаффуз мароми ҳам мавжуд – унинг нутқи сузлашув нутқидаги талаффуздан узгача булиб, аниклик, меъёрлилик, нотикликка хос таъкид, тасдиқ тарзида намоён бўлади. Шунинг учун сухандонлар нутқидаги кичик бир нуксон, камчилик ҳам дарҳол сезилади ва тингловчи эътиборига тушади. Телемулоқотда сухандон киёфаси, хатти-ҳаракатлари, кайфияти, қуз қарашлари ҳам ҳар доим томошабин эътиборида бўлади.

REFERENCES

- 1 - https://www.newworldencyclopedia.org/entry/Sports_journalism
- 2 - <https://www.wikihow.com/Become-a-Sports-Journalist>
- 3 - <http://library.ziyonet.uz/static/lib/reader-pdf/web/viewer.html?file=http://library.ziyonet.uz/uploads/books/251467/5affd8a68c1a9.pdf>
- 4 - www.ziyouz.com/ЭрикФихтелиус.радиователевидениежурналистикаасослари
- 5 https://m.sports.ru/tribuna/blogs/binokor/2716864.html?p_a=click&p_n=tag__1044512&p_p=post__2716864&p_c=post

6 - <https://m.sports.ru/tribuna/blogs/binokor/2796233.html?>

7 - <http://library.navoiy->

[uni.uz/files/bekmirzayev.%20nutq%20madaniyati%20va%20notiqlik%20san'ati.pdf](http://library.navoiy-uni.uz/files/bekmirzayev.%20nutq%20madaniyati%20va%20notiqlik%20san'ati.pdf)

8 - <https://scontent.ftas3-1.fna.fbcdn.net/v/t1.6435->

[9/127457325_1537847443069197_6424237020677355106_n.jpg?_nc_cat=109&ccb=1-](https://scontent.ftas3-1.fna.fbcdn.net/v/t1.6435-9/127457325_1537847443069197_6424237020677355106_n.jpg?_nc_cat=109&ccb=1-)

[5&_nc_sid=730e14&_nc_ohc=m7jxv9riwWQAX_W16po&_nc_ht=scontent.ftas3-](https://scontent.ftas3-1.fna.fbcdn.net/v/t1.6435-9/127457325_1537847443069197_6424237020677355106_n.jpg?_nc_cat=109&ccb=1-5&_nc_sid=730e14&_nc_ohc=m7jxv9riwWQAX_W16po&_nc_ht=scontent.ftas3-)

[1.fna&oh=00_AT-9rVl9KzLXT_ax3hE92bKR3HRzBZho9eca0SapX70l5A&oe=6204788](https://scontent.ftas3-1.fna.fbcdn.net/v/t1.6435-9/127457325_1537847443069197_6424237020677355106_n.jpg?_nc_cat=109&ccb=1-5&_nc_sid=730e14&_nc_ohc=m7jxv9riwWQAX_W16po&_nc_ht=scontent.ftas3-1.fna&oh=00_AT-9rVl9KzLXT_ax3hE92bKR3HRzBZho9eca0SapX70l5A&oe=6204788)

9 - <https://www.uzanalytics.com/tarix/4042/>

10 - <https://stadion.uz/news/detail/114315>